

**«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2021 йил якунлари бўйича навбатдаги
умумий йиғилиш
Б А Ё Н И**

11 апрел 2022 йил

Тошкент шаҳри.

«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining 2021 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Учтепа туман Чилонзор Г9А мавзесида, жамиятнинг маъмурий биносида 2022 йил 11 апрелда ўтказилди. Жамиятда овоз берувчи акцияларнинг умумий сони 43 784 300 тани ташкил этади. Умумий йиғилишда 43 514 800 та овозга эга бўлган Тошкент шаҳар Хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Дехқон бозорлари департаменти” бошлиги ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович ва 2071 та овозга эга бўлган жисмоний шахслар-жамият акциядорлари қатнашди. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жами овозлар сони 43516871 та бўлиб, кворум 99,389 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда раисликни Ганиев Д.И. олиб борди.

Ганиев Д.И. умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум 99,389 фоиз бўлганлигини ва йиғилишни очиш ҳақида таклиф тушганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилиш раиси Ганиев Д.И. йиғилиш раёсатига 3 киши: Ганиев Д.К., Камолов Т.К. ва С.Икромов номзодлари таклиф этилганлигини билдириб овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишга қотиб этиб Артиков А.А. номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ганиев Д.К. йиғилишда акциядорлар ҳисобини олиб бориш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, овозлар сонини ҳисоблаш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси таркибини тасдиқлашни айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Г.Р.Фатхуллаева, Б.А.Хайдаров ва Д.М.Музаффароваларнинг номзодларини овозга қўйди.

Санок комиссияси таркиби бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Ганиев Д.И. йиғилиш кун тартибига Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.*

2. *Жамиятнинг 2021 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.*

3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.*

4. *Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*

5. *Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.*

6. *Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харajatлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.*

7. *Жамиятнинг директорини сайлаш.*

8. *Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.*

9. *Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.*

10. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*

11. *Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.*

12. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасига узгартриш киритиш ва қайта тасдиқлаш.*
13. *Жамият Устав капиталини камайитриш.*
14. *Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.*
15. *Жамиятнинг акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартришлар матнини тасдиқлаш.*
16. *Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.*

Йиғилиш раиси Д.Ганиев кун тартибдаги масалалар бўйича тушунтириш бериб, еттинчи масала жамият директорини сайлаш масаласини бугунги мажлисда муҳокама этмаслик, унинг сабаби жамият директорлигига Ўзбекистон Республикасини амалдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб танлов эълон қилинганлиги, танловга кўра жамият директори в.б Ш.Жўраев қатнашиш истагини билдирганлиги (бошқа ҳеч ким танловда қатнашиш истагини билдирмаган), кейинчалик яъни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2022 йил 7 апрелдаги ажрими билан Ш.Жўраевни гумонланувчи сифатида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганлиги, ушбу ажримда унга 10 сутка ичида айб эълон қилинмаса қамоққа олиш эҳтиёт чораси бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатилганлиги эканлигини маълум қилди.

Д.Ганиев ушбу таклифни айтиб, кун тартибдаги бошқа масалаларни муҳокама этишни овозга қўйди ҳамда таклифлар йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибдаги масалалар юзасидан регламент ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масала юзасидан - 15 минут, қолган маърузаларга 5 минутдан, муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 5 минутгача вақт ажратишга келишиб олинди. Санок комиссияси раиси Г.Фатхуллаева томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенлар ёрдамида овоз бериш тартиби бўйича тушунтириш берилди.

Биринчи масала юзасидан жамият директорининг биринчи ўринбосари С.Икромов сўзга чиқиб жамият ўтган йил давомида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2017 йил 29 мартдаги “2017-2019 йиллар даврида дехқон бозорларини реконструкция қилиш ва улар ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги» 253-сонли қарори, Тошкент шаҳар ва Учтепа туман хокими қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК кўрсатма ва тавсиялари асосида олиб борганини таъкидлаб ўтди.

Бозор раҳбарияти ва ходимларининг асосий эътибори Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси туфайли эълон қилинган карантин даврида сотувчи ва тадбиркорларга, фермер хўжаликлари вакилларига, махсулот етиштирган дехқонларга ва харидорларга қулай шароитлар яратиш, сотувга чиқарилаётган махсулотларни сифатли бўлишига, нарх-навоми сунъий ошиб кетишини олдини олишга, бозор санитария ҳолатини талаб даражада бўлишига, бозор ҳудудида карантин талабларини тўлиқ бажарилишига қаратилди. Карантин даврида шаҳар аҳолисини кишлоқ хўжалик махсулотлари билан ҳусусан картошка махсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида маҳаллаларда, одамлар гавжум бўладиган жойларда кўча савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Ўтган йилда бозор фаолияти мураккаб шароитда амалга оширилишга қарамасдан сотувчилар томонидан Савдо қондаларига риоя қилиниши, бозор даромадларини оширилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамланиши, ноқонуний савдо ва хизмат кўрсатиш ҳолларини бартараф этилиши каби масалаларга алоҳида эътибор бериб келинди.

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий якунлари қуйидагича бўлди:

бозорнинг жами даромад 8 705982 минг сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 8746536 минг сўмга бажарилди, шу жумладан: бир маротабалик жой ҳақи режадаги 3653439 минг сўм ўрнига 3644098 минг сўмга, хизмат ҳақи режадаги 2216045 минг сўм ўрнига 2229604 минг

сўмга, автотураргоҳ хизмати тушумлари режадаги 886500 ўрнига 835951 сўмга, инфратузилма тўловлари режадаги 492800 минг сўм ўрнига, амалда 497165 минг сўмга бажарилди. Жамиятнинг соф фойдаси режадаги 1834538,4 минг сўм ўрнига 1490750,5 минг сўмга бажарилди.

Бозорнинг жами харажатлари режадаги 5277246 минг сўм ўрнига 1863438,1 минг сўмни ташкил этган. Бозор маъмурияти томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни ўз вақтида бартараф этилиши натижасида муддати ўтган қарздорликларга йўл қўйилмаган.

Бозорда кишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони сунъий равишда ошиб кетиши олдини олиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. “Элга хизмат Фарход Файз” МЧЖнинг савдо шохобчаларида доимий равишда асосий турдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзонлаштирилган нархларда савдода бўлиши, чеч мамлакатлардан арзонлаштирилган нархларда картошка маҳсулотини келтириб сотиши бозорда ушбу маҳсулотларга нарх-навони муътадил сақланишига олиб келди. Байрам олди ва байрам кунлари шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун кишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Бозорда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, айниқса карантин қоидаларига риоя қилиш, кўнгилсиз воқеаларни олдини олиш, ҳушёрлик ва огоҳликни таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси асосида ишлар амалга оширилди, 2021 йилда бозорда хавфсизликни таъминлаш бўйича ИИБ патрул-пост хизматининг 10 та ходими, миллий гвардия ходимлари фаолият юритиб келди. Бозор томонидан молиявий таъминланган ҳолда ИИБнинг профилактика нозир фаолият юритмоқда.

Бозорда сотувчи ва харидорлар фикрини ўрганиш, бозор фаолияти бўйича билдирилган мурожаат, ариза, шикоятларни таҳлил қилиш мақсадида махсус хона ажратилиб жамоатчилик штаби ташкил этилган. Бозор радиоузели орқали сотувчи ва харидорлар учун турли мавзуда эшиттиришлар, эълонлар, табриклар, миллий мусика оҳанглари бериб борилмоқда.

Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботи кўриб чиқилди ва 2021 йил давомида Кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг ҳар чорақдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари кўриб чиқилгани, бозор молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш мақсадида қатта маблағ талаб этадиган сарф-харажатлар Кузатув кенгашида муҳокама қилиб борилгани, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида жамият маъсул ходимлари томонидан ишлаб чиқилган 2022 йилнинг “Бизнес-режа”си 2021 йилнинг ноябрида Кузатув кенгаши томонидан муҳокама қилиниб маъқуллангани ва бугунги акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилаётгани, Кузатув кенгаши томонидан Республикада коронавирус пандемияси туфайли карантин эълон қилинган мураккаб вазиятда бозорни талаб даражада фаолият юритиши устидан доимий назорат олиб борилгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш раиси ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Иккинчи масала юзасидан сўз жамиятнинг 2021 йил фаолияти бўйича аудиторлик текшируви ўтказган «FTF-LEA-FUDIT» МЧЖ аудиторлик агентлиги аудитори Р.Сабиновага берилди. Аудитор сўзга чиқиб, “Фарход дехқон бозори” АЖнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 2021 йилнинг 8 апрелида тайёрланган ҳулосада жамиятнинг молиявий ҳолати бухгалтерия ҳужжатларида ҳаққоний акс эттирилгани, жамият томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига тўлиқ жавоб беришини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш раиси аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Учинчи масала юзасидан жамият Тафтиш комиссияси раиси Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, мажлис қатнашчиларини жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатига киритилган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиши юзасидан тайёрланган ҳулосаси билан таништирди. Ҳулосада, “Фарход дехқон бозори” АЖнинг 2021 йил яқунлари бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттириши ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келишини таъкидлаб ўтди ва умумий йиғилишга тасдиқлаш таклифини

Йиғилиш раиси Тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Тўртинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Ш.Ибобов жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи яқуни бўйича тайёрланган жамият йиллик баланси билан кенгаш аъзоларини таништирди ва тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилиш раиси жамиятнинг йиллик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Бешинчи масала мажлис раиси жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил 6 мартдаги қарорида жамият томонидан 2021 йилда олинган 1490750,5 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклифи киритилганлигини билдирди:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими 34-моддаси асосида соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, яъни 74537,525 минг сўми жамиятнинг захира фондини шакллантиришга.

- Жамиятни ривожлантиришга- 298150,1 минг сўм;

- қолган соф фойда яъни 1118062,875 минг сўм акциядорларга 2021 йил яқуни бўйича дивиденд тўлашга йўналтириш

Йиғилиш раиси жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Олтинчи масала юзасидан жамият бош бухгалтерия сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган “Бизнес-режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар смета”сини ишлаб чиқишда асосий эътибор бозор даромадларини ошириш, 2021 йил 19 февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг 203-сонли қарори билан янги оширилган тўлов микдорлар асосида тўловларни ундириш, харажатларни имкон даражасида камайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш каби масалаларга қаратилди. Бозорларни янги солиқ тизимига ўтиши муносабати билан “Бизнес-режа”га ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва умумий йиғилишдан тасдиқлаб бериш таклифи киритилди.

Йиғилиш раиси жамиятнинг “Бизнес-режа”си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Еттинчи масала юзасидан жамият мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият директорини сайлаш масаласини йиғилиш бошида кейинга қолдириш таклифи берилганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи кун тартибидagi саккизинчи масалага ўтиб, 2022 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидagi тўққизинчи масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидagi ўнинчи масала бўйича жамиятнинг кимматли қозғолар бўйича мутахассиси О.Ким сўзга чиқиб, жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2021 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, ҳулоса натижаларига қура “Фарход дехқон бозори” АЖ -132 балл булганлигини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини ҳулоса билан таништирди (аудиторлик текшируви ҳулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибдаги ўн биринчи масала бўйича жамият бош мухосибни сузга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни"га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йигилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра қуйидаги ташкилотлардан тақлифлар тушгани:

1. "Nazorat audit" МЧЖ – 6.000,0 минг сум
2. "FTF Lea Audit" МЧЖ – 5.500,0 минг сум

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича менеджер сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган ўзгартиришлар билан таништирди. (Жамиятнинг ўзгартириш киритилган ташкилий тузилмаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича жамият бош бухгалтери Ш.Ибоев сўзга чиқиб жамият устав фондини жамият шаҳобчаси ва автоўхташ жойи ҳисобига қамайтириш тақлифи билдирилганлигини маълум қилди ва қуйидагиларни айтиб ўтди:

Жамиятнинг шаҳобчаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарориди Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда "Фарход деҳқон бозори" АЖнинг ҳам шаҳобчасини Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчанинг баланс қиймати суммасига қамайтириш белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда тегишли мутахассислар билан биргаликда жамиятнинг устав фондида шаҳобчани берилиши ҳисобига ҳокимият улушини қамайтириш юзасидан ҳисоб китоблар ишлаб чиқилди.

Жамиятнинг охириги баланс маълумотлари (01.04.2022) га кўра:

- жамиятнинг "Кўкча Оқтепа" шаҳобчасининг қиймати 703434861 сўм;
- устав фонди 4860057300 сўм, 1 дона акциянинг номинал қиймати 111 сўм, жами акциялар сони 43784300 дона бўлиб, шундан ҳокимият улуши 4830142800 сўм, 43514800 дона акция;

- Шунга мувофиқ жамият акцияларининг номинал қиймати 111 сўм эканлиги инobatга олинса шаҳобчанинг 703434861 сўм қийматига 6337251 дона акциялар тўғри келади.

Автоўхташ жойи бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июндаги 343-ф-сонли фармойиши билан бюджет маблағларидан 1.808.643.944 сўм ва жамиятнинг 135.600.000 сўм маблағлари ажратилиб, "Фарход деҳқон бозори" АЖнинг 2,6 гектар ер майдонида автоўхташ жойи ташкил этиш учун асфальтлаш, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Мазкур фармойишининг 5-банди ижроси юзасидан ушбу маблағлар (1.808.643.944 сўм) бошқа маблағлар билан биргаликда давлат улуши сифатида "Фарход деҳқон бозори" АЖ Устав фондига жамият кузатув кенгашининг 2013 йил 12 мартдаги ва 2013 йил 12 июлдаги қарорлари билан киритилган ва Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 15 августдаги Q0190-5-сонли қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов томонидан 2019 йил 29 июл куни тасдиқланган Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ йигилишининг 3-сонли (01-24/1-3084-сон) баёнининг 1-илоvasи, 10-бандида "Ever auto" МЧЖ томонидан кўнгил очар, савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда кўп қаватли автотураргоҳ биносини қуриш лойиҳаси маъқулланганлиги ҳамда Учтепа туманидаги "Фарход деҳқон бозори"нинг автотураргоҳи ўрнида лойиҳани амалга ошириш учун рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 812-сонли қарорининг 3-илоvasи, 3-бандида Фарход ва лойиҳадаги Г-30 кўчалари оралигида жойлашган "Фарход деҳқон бозори" АЖ автотураргоҳининг 1,5 гектар қисмини Тошкент шаҳар ҳокимлиги захирасига ўтказиш ҳамда ташаббускор инвесторларга белгиланган тартибда ажратиб берилиши белгиланган.

Лекин, мазкур лойиҳани амалга оширилиши қонунчилик ҳужжатларига зидлиги билдирилиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари номига "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКнинг 2019 йил 10 декабрдаги 1934-04-сонли хати киритилган.

Ўз навбатида Учтепа тумани ҳокимлигининг 2020 йил 14 майдаги 052-15/60-сонли хатида мазкур масала (топширик) бажарилмай қолаётган масала сифатида кўрсатилган.

Тегишли топшириқлар юзасидан 2020 йил 20 июлда жамият Кузатув кенгаши мазкур масалани кўриб чиққан ва Вазирлар Маҳкамасининг 812-сонли қарорини ижро учун қабул қилиб, жамият автоўхташ жойининг 1,5 га қисмини Тошкент шаҳар ҳокимлиги захирасига ўтказиб берилиши ҳақида қарор қилишган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 3 сентябрдаги 801-сонли қарори билан ушбу автоўхташ жойининг 1,5 га қисми давлат захирасига олинган.

Жамият томонидан мазкур ҳолатда ҳисоб-китоб қилиниб, жами 2,6 Га ер майдонини асфальтлашга 1.944.243.944 сўм сарфланган бўлса захирага олинган 1,5 га ер майдонини асфальтлашга сарфланган маблағ 1.121.679.198 сўмга тенг бўлиши (1.944.243.944/26000*15000) инobatга олиниб, ушбу 1.121.679.198 сўмни тақдири бўйича бир неча марта тегишли ташкилотларга хат юборилган, яъни 2020 йил 22 сентябрда "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга 1501-сонли хат, Тошкент шаҳар ҳокимлигига 1503-сонли хат, Давлат активларини бошқариш агентлигига 1502-сонли хат, 2020 йил 23 сентябрда Учтепа тумани ҳокимлигига 1504-сонли хат, 2020 йил 18 октябрда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига 1525-сонли хат, 2020 йил 30 ноябрда Тошкент шаҳар Молия бошқармасига 1604-сонли хат, октябрда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига 1605-сонли хат, 2021 йил 30 мартда Молия бош бошқармасига 141-сонли, 2021 йил 12 августда 500-сонли, 2021 йил 21 сентябрда "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга 553-сонли хатлар юборилган.

Ушбу хатларнинг кўпчилигига жавоб хатлари олинмаган ва келган жавоб хатларида, жумладан Тошкент шаҳар давлат активларининг бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 октябрдаги 02/1021х-сонли хатида, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 2 мартдаги 03-01/87-сонли хатида, Молия бош бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 01-3/1426-сонли хатида ушбу ҳолатда давлатнинг улушини қамайтиришга ургу берилган, яъни давлат захирасига берилган 1,5 Га ер майдонида сарфланган асфальт қиймати доирасида давлат улушини қамайтириш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Шунга мувофиқ жамият акцияларининг номинал қиймати 111 сўм эканлиги инobatга олинса захирага олинган 1,5 Га ер майдони учун асфальтлашга сарфланган маблағ 1.121.679.198 сўмга 10105218 дона акцияларга тўғри келади.

Шунда жамиятнинг устав фонди жамиятнинг шаҳобчаси ва автотураргоҳи ҳисобига 16442469 дона акцияга (10105218+6337251) ёки 1825114059 сўмга

камайтирилиб, янги устав фонд 27341831 дона акциядан ёки 3034943241 сўмдан иборат қилиб тасдиқланади.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича А.Артиков тушунтириш бериб, жамиятнинг шахобчаси “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) камайтириш ҳисобига берилишида афилланган шахслар билан битим содир бўлиши, яъни “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК жамиятда афилланган шахс ҳисобланиши (жамият устав фонднинг 20% дан ортик улушига эгаллик қилади) сабабли, ушбу битимни мажлисда қатнашаётган қолган акциядорлар томонидан маъқулланиши лозимлигини айтди ҳамда таклиф киритди.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Кун тартибдаги ўн бешинчи масала бўйича жамият мутахассиси А.Артиков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини бажариш мақсадлида жамиятнинг шахобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шахобчаларнинг баланс қиймати суммасига тегишли ҳисоб-китоблар асосида камайтириш зарурлиги, бунинг учун жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш юзасидан тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йил 30 августдаги 2000-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш” қондалари талаблари асосида ишлаб чиқилганлигини билдирди.

А.Артиков ўз сўзида Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 17 январдаги Q0174-4-сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган жамиятнинг акциялар қўшимча чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги ўн олтинчи масала бўйича жамият мутахассиси А.Артиков сўзга чиқиб, жамиятнинг устав фонди камайиши муносабати билан жамиятнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори, 1-илоvasи 21 бандида таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ушбу Низом 12-бандининг еттинчи хатбошида назарда тутилган ҳуқуқни инобатга олган ҳолда таъсис ҳужжатларини янги тахрирда қабул қилиш йўли билан амалга оширилади деб белгиланганлигидан келиб чиқиб, жамият томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг янги тахрирдаги устави билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Ушбу масала бўйича қисқача саволлар бўлди ва бошқа саволлар бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибдаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%
4-масала	5-масала	6-масала

Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%
	9-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	10-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович - 43516871 та овоз		
8.2. Ирматов Мурод Абдуқаҳарович - 43516871 та овоз		
8.3. Раззаков Аҳад Анварович - 43516871 та овоз		
8.4. Ганиев Дилмурод Ирқинович - 43516871 та овоз		
8.5. Норхужаев Нозим Абдуқодир ўғли - 43516871 та овоз		
11-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	12-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	13-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
14-масала Ёқлаган 2071 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	15-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%	16-масала Ёқлаган 43516871 – 100% Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 0 – 0,0%

Раислик қилувчи кун тартибдаги барча масалалар кўпчиликлilik овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибдаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

- Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).
- Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).
- Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).
- Жамиятнинг 2021 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).
- Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича олинган 1490750,5 минг сўмлик соф фойдасидан 75%, яъни 1.118.062.875 сўмни акциядорларга дивиденд беришга ажратиш, жамиятни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадларига 20% яъни 298.150.100 сум ва қолган 5% яъни 74.537.525 сўмни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими 34-моддасига асосан жамиятнинг захира жамғармасига ажратилиши тасдиқлансин (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Бу ҳолатда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг улушига 2021 йил якуни бўйича жами 1.111.181.003 сўм (дивиденд солиқлари билан бирга) ҳисобланиши лозим бўлиб, бундан Тошкент шаҳар Ҳокимининг 12.06.2021 йилдаги 532-сонли қарори билан бўнак сифатида ўтказилган 393.474.208 сўм, 01.12.2021 йилдаги 14-0-Q-22-сонли қарори билан бўнак сифатида ўтказилган 150.000.000 сўм, 24.03.2022 йилдаги 288-14-0-Q-22-сонли қарор билан ўтказилган 1.069.000.000 сўм (769млн+300 млн), жами бўлиб тўланган 1.612.474.208 сўм инобатга олинса ҳозирги кунда ортикча ўтказилган дивиденд маблағи 501.293.200 сўмни ташкил этади (1.612.474.208 сўм-1.111.181.003 сўм=501.293.200 сўм). ва ушбу сумма солиқ органларида кейин давр тўловлари (дивиденд ёки бошқа солиқлар) сифатида қабул қилинишини ёки ортикча тўлов сифатида жамиятга қайтариб олинишини таъминлаш вазифаси амалга оширилсин.

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин (ёқлаган 43516871 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директорини сайлаш масаласи кейинги мажлисга қолдирилди.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович - 43516871 та овоз

- 8.2. Ирматов Мурод Абдукахарович - 43516871 та овоз
8.3. Раззаков Ахад Анварович - 43516871 та овоз
8.4. Ганиев Дилмурод Иркинович - 43516871 та овоз
8.5. Норхужаев Нозим Абдуқодир ўғли - 43516871 та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Ибрагимова Гулчехра Махкамовна, Мирасулов Абдухамид, Алимова Мохира Миралиевналар сайлансин (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб "FTF Lea Audit" МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг қўп чегараси 5.500.000 сўм миқдори этиб белгилансин (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

12. Жамиятнинг "Ташкилий тузилмаси"га ўзгаришлар киритилсин ва иловага мувофиқ қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг шаҳобчасини Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улуши (ҳокимият улуши)ни камайтириш юзасидан тайёрланган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, жамиятдаги давлат улуши ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига ҳисоб-китоблар асосида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 812-сонли қарорининг 3-иловаси, 3-банди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 3 сентябрдаги 801-сонли қарори билан давлат захирасига ажратилган жамият автотўхташ жойининг 1,5 Га қисмига сарфланган маблағ суммасига ҳисоб-китоблар асосида камайтирилиши тасдиқлансин.

Жамиятнинг автотўхташ жойига давлатнинг маблағи сарфланиб, устав фондга киритилганлиги, кейинчалик ушбу автотўхташ жойини бир қисми давлат захирасига топширилиши масаласида 2020 йил 22 сентябрда "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга 1501-сонли хат, Тошкент шаҳар ҳокимлигига 1503-сонли хат, Давлат активларини бошқариш агентлигига 1502-сонли хат, 2020 йил 23 сентябрда Учтепа тумани ҳокимлигига 1504-сонли хат, 2020 йил 18 октябрда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига 1525-сонли хат, 2020 йил 30 ноябрда Тошкент шаҳар Молия бошқармасига 1604-сонли хат, октябрда Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига 1605-сонли хат, 2021 йил 30 мартда Молия бошқармасига 141-сонли, 2021 йил 12 августда 500-сонли, 2021 йил 21 сентябрда "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга 553-сонли хатлар юборилганлиги, ушбу хатлар бўйича келган жавоб хатларида яъни, Тошкент шаҳар давлат активларининг бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 октябрдаги 02/1021х-сонли хатида, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 2 мартдаги 03-01/87-сонли хатида, Молия бошқармасининг 2021 йил 19 августдаги 01-3/1426-сонли хатида ушбу ҳолатда давлатнинг улушини камайтиришга маъносидаги жавоб хатлари берилганлиги, яъни давлат захирасига берилган 1,5 Га ер майдонида сарфланган асфальт қиймати доирасида давлат улушини камайтириш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги ҳақидаги жавоб хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда жамиятнинг амалдаги ҳар бир акциясининг номинал қиймати 111 сўм бўлган 43784300 дона акциядан иборат 4860057300 сўмлик устав фонди "Кўкча оқтепа" шаҳобчасининг ҳисобига 6337251 дона акцияларга ёки 703434861 сўмга, жамият автотўхташ жойини захирага берилиши ҳисобига 10105218 дона акцияларга ёки 1121679198 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 27341831 дона акциядан ёки 3034943241 сўмдан иборат қилиб тасдиқлансин.

Бу ҳолатда жамиятнинг устав фонди фақат ҳокимиятга тегишли ҳар бирининг номинал қиймати 111 сўм бўлган 16442469 дона акцияларга ёки 1825114059 сўмга камайтирилади. (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

14. Жамиятнинг аффилиланган шахси, яъни Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК билан тузиладиган битим маъқуллансин (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда ўзгартиришлар матни тасдиқлансин (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

16. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин. (ёқлаган 43516871 та овоз - 100%, қарши - йўқ, бетараф - йўқ).

Ингилиш раиси

Ганиев Д.И.

Ингилиш котиби

Артиков А.А.

**“Фарход дехкон бозори” АЖ акциядорларининг 2022 йил
11 апрелдаги умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоларининг
паспорт маълумотлари бўйича
МАЪЛУМОТ**

Абдурахмонов Музаффар	Паспорт АА3500713, 06.12.2013 йилда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан берилган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани
Ирматов Мурад	Паспорт АА1039734, 14.03.2013 йилда Тошкент вилояти, Қибрай тумани ИИБ томонидан берилган, Тошкент вилояти, Ибн-сино кўчаси
Раззаков Аҳад Анварович	Паспорт АД0095802, 28.01.2021 йилда Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани ИИБ томонидан берилган
Ганиев Дилмурод Иркинович	Паспорт АА6400139, 10.08.2014 йилда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан берилган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани
Норхужаев Нозим	Паспорт АД1121657, 23.02.2022 йилда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ томонидан берилган